

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa
2021

Editorial Team

Editor-in-chief: *Gontarenko N.*

EDITORIAL COLLEGE:

W. Okulicz-Kozaryn, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

L. Nechaeva, *PhD, PNPU Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

K. Fedorova, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

ARCHIVING

Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](#) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.

PLAGIARISM POLICY

The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.

About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N (info@ejournals.id). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИГА ЁНДАШУВЛАР ВА ТАХЛИЛЛАР

Маллаева Эътиборхон Махрамовна

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиши, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ПОДХОДЫ И АНАЛИЗ КОНЦЕПЦИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Маллаева Эътиборхон Махрамовна

Старший преподаватель Джизакского государственного педагогического института, доктор философских наук (PhD)

РЕЗЮМЕ

Мақолада сиёсий маданият тушунчаси бўйича мамлакатимиз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Farb олимларининг ёндашувлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калим сўзлар: сиёсий маданият, сиёсий тизим, сиёсий институт, патриах сиёсий маданият, фаол сиёсий маданият, фаол бўлмаган ёки бўйсинувчи сиёсий маданият, мафкура, маънавий маданият.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются взгляды учёных Узбекистана, Содружества Независимых Государств и западных странах по политической культуре.

Ключевые слова: политическая культура, политическая система, политический институт, патриархальная политическая культура, активная политическая культура, неактивная или покорная политическая культура, идеология, духовная культура.

RESUME

The article analyzes the views of scientists of Uzbekistan, the Commonwealth of Independent States and Western countries on political culture.

Keywords: political culture, political system, political institution, patriarchal political culture, active political culture, inactive or submissive political culture, ideology, spiritual culture.

Маълумки, сиёсатшунослик фанида сиёсий маданият феномени кенг маъноли тушунча ҳисобланади. Бу тушунча ўз ичига жамиятнинг умумсиёсий маданий ҳолатини, фуқароларни давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки даражасини ҳамда уларни сиёсий жараёнлардаги хатти-ҳаракати мезонларини қамраб олади. "Сиёсий маданият" категорияси Farbda илмий-назарий жиҳатдан мустақил тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш иши XX асрнинг ўрталаридан бошланган.

Сиёсий маданият тушунчасини илмий категория сифатида илк бор немис файласуфи Иоган Гердер[1] (1744-1803 йй.) қўллаган бўлсада, уни тўла илмий-назарий обьектига айланиши А.Алмонд ва С.Верба номи билан боғлиқ. Мазкур



тадқиқотчилар ўз изланишларидан келиб чиққан ҳолда сиёсий маданиятни моҳиятини ифодаловчи қараашларини баён этгандар. Жумладан, Г.Алмонд сиёсий маданиятни: "бу сиёсий тизимларни ҳам ўз ичига олувчи сиёсат объектларига нисбатан йўналтирилганликни ўзига хос намунасиdir"[2], - деб кўрсатган. С.Верба бўлса, сиёсий маданиятни: "сиёсий институтлар ва сиёсий хулқ-автор кўринишлари тўғрисидаги эътиқод тизимиdir"[3], - дея изоҳлаган. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, А.Алмонд ва С.Вербанинг сиёсий маданиятни таҳлил этиш ва қиёсий ўрганишидаги илмий холосалари диққатга сазовор. Жумладан, улар сиёсий маданиятни сиёсий хатти-ҳаракатлар ва манфаатларнинг намоён бўлиши хусусиятига қараб асосий уч турга ажратганлар[4]. Улар:

1. Патрихал сиёсий маданият.
2. Фаол бўлмаган ёки бўйсинувчи сиёсий маданият.
3. Фаол сиёсий маданиятдир.

Муаллифларнинг фикрича, патрихал сиёсий маданият сиёсий манфаатларнинг йўқлиги, сиёсий институтлар, жумладан, сиёсий партияларда барқарорликни бўлмаслиги ва уларнинг фаолиятини куч ишлатиш билан амалга ошиши билан характерланади. Фаол бўлмаган ва бўйсинувчи сиёсий маданият эса сиёсий жараёнларда фуқароларнинг бефарқлиги ва итоатгўйлиги билан характерланади. Сиёсий маданиятнинг юқори кўриниши бўлган фаол сиёсий маданият эса сиёсий жараёнларда манфаатлар ва қадриятларнинг кўп хиллиги билан, жамият тараққиётида фуқаролар ва ижтимоий гурӯҳларнинг манфаатли, фаол иштирокни намоён бўлиши билан ифодаланади. Сиёсий маданиятнинг ушбу кўринишлари ҳаётда соф, алоҳида ҳолда жуда кам учрайди. Кўпинча улар аралаш ҳолда намоён бўлади. Шу ўринда айтиш лозимки, тадқиқотчилар томонидан сиёсий маданиятни турларга ажратишда, асосан, фуқоролардаги сиёсий жараёнлардаги фаоллик даражаси мезон қилиб олинган.

Фарбда сиёсий маданият феноменини тадқиқ этишда А.Алмонд ва С.Вербадан ташқари Л.Пай, М.Вебер, У.Разенбаум, Д.Дивайн каби халқаро тадқиқотчи олимларнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

Мазкур олимлар ҳам, албатта, ўз изланишлари натижаси ўлароқ сиёсий маданият тушунчасига таъриф берганлар. Жумладан, Л.Пай сиёсий маданиятни "сиёсий тизимнинг хулқ - авторини йўналтириб, асосий тартиб қоидаларининг қабул қилишини таъминлаб турувчи, сиёсий жараёнларнинг аҳамиятини кўрсатувчи ҳамда тартибга келтирувчи эътиқод, ишонч ва ҳиссиётлар йигиндисидир", - дея изоҳлаган. В.Розенбаум бўлса сиёсий маданиятни "йўналиш ва сиёсатдаги хулқ - автор моделидир", -деб қайд этган. М.Вебер фикрича сиёсий маданият "ҳокимият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларига тегишли бўлган хулқ-автор, қадриятлар, нуқтай назар ва муносабатлар йигиндиси"[5] дир. Америкалик сиёсатшунос Д.Дивайннинг изоҳи бўйича сиёсий маданият бу "кенг тарқалган, фундаментал сиёсий қадриятларнинг тарихий тизимиdir[6]".

Тадқиқотлардан маълум бўладики, сиёсий маданият тўғрисида Фарб тадқиқотчилари томонидан илгари сурилган қараашлар ўзига хос ва хилма-хилдир.



Бизнингча, бунинг сабаби, сиёсий маданиятнинг мазмуни тарихий ривожланиш жараёнига бевосита боғлиқ ҳолда, сиёсий ўзгаришлар билан ҳамоҳанг равиша ўзгариб боришилигидадир.

Сиёсий маданият феноменига сабиқ СССР жамиятида ҳам эътибор қаратилган. Маълумки, сабиқ Иттифоқда жамиятдаги барча ҳолатлар, албатта, коммунистик мафкура цензидан ўтказилган ҳолда талқин қилинган. Жумладан, бу тамойил жамиятда сиёсий маданиятни талқин этишга ҳам ўзини сезиларли таъсирини ўтказган. Бинобарин, илмий доираларда бу масалага доир объектив фикрлар мавжуд бўлган бўлиб, уларда, "сиёсий маданият - турли ижтимоий табақалар, миллатлар ва халқларнинг туб манфаатларини, шунингдек фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий институтлар, нормаларни мустаҳкамлаш, қайта тузуш ва ривожлантиришга йўналтирилган маънавий - амалий фаолиятининг хусусияти, усулни акс эттирувчи сиёсий қарашлар, билимлар ва эътиқодлар мажмуидир"[7], - дея таърифланган. Лекин кенг халқ оммаси учун сиёсий маданият ҳақидаги объектив реалликка яқин бўлган таърифлар эмас, балки айнан коммунистик мафкуранинг синфийлик томойилларидан келиб чиқсан ҳолда изоҳланган таърифлар баён қилинган. Жумладан, "Сиёсий маданият бу - сиёсий билимларнинг даражаси ва характеристи, фуқаролар фаолиятининг баҳоси шунингдек, сиёсий муносабатларнинг тартибга солувчи анъаналар, норма ва ижтимоий қадриятлар сифати ва мазмунини ифодалайди. Сиёсий маданият аниқ кўзга ташланувчи синфий йўналишга эга. Буржуа жамиятида сиёсий маданият сиёсий кураш ҳолатида бўлган эксплуатация қилувчи ва эксплуатация қилинувчи синфлар ўртасида мавжуд бўлади. Социализм шароитида ягона сиёсий маданият шаклланган бўлиб, у сиёсий манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигига асосланади..."[8], дея изоҳланган таърифлар бунга мисолдир.

Кўриниб турибдики, сабиқ Иттифоқда сиёсий маданият масаласи назарий таҳлил қилинган ҳамда таърифланган. Лекин, бу таҳлил ва таърифларда сиёсий маданият таърифи расмий нормалар мажмуи билан қатъий боғланган ҳолда амалга оширилган. Албатта, тоталитар тузумда бундай бошқача бўлмаслиги аниқ. Чунки, якка мафкура ҳукмон бўлган пайтда: 1) Давлатнинг якка ҳукмонлиги ўрнатилади; 2) Давлат ҳамма соҳани ҳал этувчи институтга айланади; 3) Маъмурий - буйруқбозлиқ, режалик иқтисодга асосланади; 4) Якка партия ҳукмонлиги таъминланади; 5) Демократия тамойиллари топталади; 6) Ягона фикр, гоя қабул қилинади; 7) Сиёсий плюрализм йўқ бўлади[9]. Бундай шароитда фуқаролар, албатта, сиёсий жараёнлардан узоқлашади, натижада, А.Алмонд ва С.Вербанинг фикри билан айтганда жамиятда "патрихал сиёсий маданият" вужудга келади.

Шунга қарамай сабиқ Иттифоқда ҳам сиёсий маданият тушунчаси бўйича объектив таърифлар учрайди. Жумладан, Большая советская энциклопедияда "Сиёсий маданият - тарихий сиёсий жиҳатдан сиёсий, қийматли норматив тизим. Анъаналар, гоялар, муносабатлар, қўникмалар, оммавий сиёсат услуби. Сиёсат субъектлари хатти-ҳаракати ва фаолиятини, репродуктив сиёсатни таъминловчи, жамоа ҳаёти ва космополит умумий маданиятнинг бир қисми бўлиб, жамият



ҳаёти билан боғлиқ унсурларни ўз ичига олади"[10], дея изоҳланади.

Бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўслиги олимлари томонидан сиёсий маданият тушунчаси ҳам катта қизиқиши билан тадқиқ этилмоқда. Жумладан, Е.Ю.Мелешкина ва О.А.Толпигиналар ёндашувига кўра "сиёсий маданият - бу одамларнинг маънавий маданиятигининг бир қисмидир ва ижтимоий ва сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлган унсурларни ўз ичига олади. Бу давлат ва сиёсий институтларнинг шакллари, фаолият юритиши ва ривожланишига таъсир қиласи, сиёсий жараённинг йўналишини белгилайди, оммавийларнинг сиёсий хатти-ҳаракатини белгилайди. Сиёсий маданият "сиёсий тизим ва унинг таркибий қисмлари билан бир қаторда сиёсий хатти-ҳаракатларга нисбатан йўналиш ва муносабатлар тизими" [11].

В.Н.Гуляихиннинг фикрича, "жамиятнинг сиёсий маданияти - фуқароларнинг сиёсий ҳокимият билан муносабатларининг сифатли ҳолати сифатида қабул қилинган маънавий ва моддий қадриятлар тизими" [12] ҳисобланади.

Бугунги кунда МДҲ давлатлари қаторида мамлакатимизда ҳам сиёсий маданият тушунчаси чуқур таҳлил этилмоқда. Мазкур тадқиқотларнинг аксариятида сиёсий маданиятнинг моҳияти, унинг генезиси тўла таҳлил қилинган. Айни вақтда, уларда муаллифлар ўз нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда сиёсий маданият тушунчасига ҳам таъриф берганлар. Ўзбекистон олимлари томонидан сиёсий маданиятга берилган бундай таърифларга мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Жумладан, юридик фанлари доктори Х.Одилқориев ва сиёсий фанлар доктори Ш.Ғойибназаровлар сиёсий маданиятга шундай таъриф берадилар: "Сиёсий маданият ижтимоий субъект (жамият, гурӯҳ, шахс)нинг кучларини вужудга келтириш ҳамда уларни ижтимоий-сиёсий фаолиятда, унинг мақсадларида, воситаларида, усусларида ва натижаларида рўёбга чиқариш жараёнини ифода этади. У инсоннинг ижтимоий муносабатларини ўзгартириш субъекти сифатидаги ижтимоий ривожланиш мезонини очиб беради" [13]. Олимлар томонидан берилган ушбу таърифда сиёсий маданиятнинг асосий жиҳатларидан бири бўлган жамиятда янги (соғлом) кучларни вужудга келтириш ва ижтимоий муносабатларни ўзгартириш функцияси эътироф этилади. Сиёсий маданиятга берилган бундай таърифдан ташқари мазкур олимлар томонидан шу қунгача сиёсий маданиятга берилган барча таърифлар ўзига хос равишда икки асосий туркумга ажратилади. Унга кўра, "Биринчи туркумга сиёсий маданиятни индивидларнинг сиёсий йўналиши, мойилликлари ва хулқ-авторлари мажмуи билан боғловчи мазкур тушунчанинг нисбатан тор талқинлари, иккинчи туркумга эса сиёсий маданиятни сиёсат билан боғлиқ умумий маданиятнинг муҳим қисми ,деб таърифловчи кенг талқинлар киради" [14].

Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев жамиятдаги ҳар бир индивидни сиёсий маданият ташувчиси, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, "сиёсий маданият - бу муносабатлар тизими ва айни пайтда авлодлар алмашинуви натижаси, уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиши ва қайта ишлаб чиқиши жараёнидир. Сиёсий маданият ривожланиб борувчи динамик ҳодисадир" [15].



Профессор Б.Тўйчиевнинг қараши бўйича, сиёсий маданият - бу "ижтимоий онг ва умумий маданиятнинг сиёсий институтлар ҳамда сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган қисми ва жиҳатларини қамраб олади. Сиёсий маданият таркибига сиёсий тизим доирасида намоён бўлувчи эътиқод ва фикр йўналишлари ҳам киради"[16]. Бу таърифда олим ҳақли равишда сиёсий маданият таркибида (сиёсий тизим доирасида намоён бўлувчи) эътиқод ва фикр йўналишлари мавжудлигини эътироф этади. Ҳақиқатан ҳам, сиёсий маданият ҳар бир фуқарода соғлом сиёсий эътиқод ва фикрлар асосида шакланади. Бу жараён эса, Б.Тўйчиев таъкидлаганидек, сиёсий институтлар ҳамда сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда кечади.

Тадқиқотчи У. Муҳаммадиев фикрича, "сиёсий маданиятга - фуқаролар, муайян ижтимоий гурухлар, қатламлар, элат, халқнинг сиёсий ҳаётга бўлган муносабатида амал қиладиган қоидалар, таомиллар, ижтимоий ҳамда сиёсий масъуллик ҳисси мажмуй сифатида қараш мумкин. Сиёсий маданият миллий - маънавий маданият негизида, муайян урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар таъсирида шакланади ва ўзига хослик касб этади"[17]. Шу ўринда айтиш лозимки, У.Муҳаммадиев ўз тадқиқоти натижасидан келиб чиқсан ҳолда "миллий сиёсий маданият" ёки "сиёсий маданиятнинг миллий модели" атамасини илмий доирага киритиш орқали сиёсий маданиятнинг ҳам миллий негизларини, ҳам умуминсоний жиҳатларини тўғри тушуниш ва кенгроқ англаш мумкинлигини қайд этади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, сиёсий маданият тушунчасига тарихий ва илмий ёндашувлар турлича ва айни вақтда ўзига хос равишида таърифланган ва таърифланмоқда. Мазкур ҳолат бу масала юзасидан муаллифларда яқдилликнинг йўқлигига эмас, балки тадқиқот обьекти бўлган сиёсий маданият институтининг ўта кўп қиррали мазмунга эгалигидадир. Ҳозирда сиёсий маданият институтини тадқиқ этаётган олимлари сиёсий маданиятга таъриф беришида бир қатор яқдилликларга ҳам эга. Улардаги бу яқдиллик бевосита, сиёсий маданиятни сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ эканлигини, унда ижтимоий-сиёсий муҳитни ўзгартира олиш функциясини мавжуд эканлигини ҳамда у қотиб қолган ҳодиса эмас, балки ривожланиб борувчи жараён эканлигини тасдиқлашда кўзга ташланади. Энди, сиёсий маданиятнинг муаллифлар таърифидаги айrim ўзига хос жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, бу бизнингча, сиёсий плюрализм кўринишиларидан биридир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда сиёсий маданият институтини тадқиқ этаётган олимларининг барчаси ҳам сиёсий маданият тушунчасини ўз тадқиқот натижаларидан келиб чиқсан ҳолда таърифлаганлар. Уларда сиёсий маданиятнинг "ривожланиб борувчи динамик ҳодиса" эканлиги, унда "эътиқод ва фикр йўналишлари"ни мавжудлиги ҳамда улар "маънавий маданият негизида, муайян урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар таъсирида" шаклананиб боришлиги эътироф этилган. Лекин, "эътиқод ва фикр йўналишлари"га эга, "ривожланиб борувчи динамик ҳодиса" бўлган сиёсий маданиятда эътиқодни вужудга келтирувчи, уни ривожини таъминловчи омил муаллифлар томонидан негадир



хисобга олинмаган. Ваҳоланки, сиёсий маданиятни "маънавий маданият негизида, муайян урф-одатлар, қадриялар, анъаналар таъсирида" шакллантириш учун ҳам, албатта, биз назарда тутилаётган омил, яъни мафкуравий омилнинг роли жуда зарур. Зеро, мафкуравий омилларсиз фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришни тассавур этиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Гердер И. Идеи к философии истории человечества. -М.: 1977. стр.- 333-368.
- 2.Almond G. Comparative political Systems // The Journal of Politics. Vol. 18.-1956.
- № 3.
- 3.Almond G. Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in five Countries.- Princeton, 1963.
- 4.Баталов Э.Я. "Политическая культура современного американского общества"- М. 1990.стр.-39-43.
- 5.Ризаева Н. Сиёсий маданият генезиси. // Жамият ва бошқарув. -2008. - №1, - 86-бет.
- 6.Devine. The Political Culture of the United States. - Boston, 1972. - 3-7-бетлар.
- 7.Кейзеров М. Политическая и правовая культура. Методологические проблемы.- М.,1983. стр.-14.
- 8.Аберенков В. Аверкин А. Агешин Ю. Краткий Политический словарь.. Полиздат .,1983. стр. - 252-253.
- 9.Мухаммадиев У.Н.Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Дисс.сиё. фан. ном., Т.: ЎРПХСМТИ, 2002. - 97-бет.
- 10.https://bigenc.ru/world_history/text/2121009 Олинган сана: 10.07.2019 йил.
- 11.Мелешкина Е.Ю., Толпигина О.А. Политическая культура // Политический процесс: основные аспекты и способы анализа. М., 2001. С.111.
- 12.Гуляихин В.Н. - Россия фуқароларининг сиёсий маданиятининг аркетиплари // Сотсадинамика. - 2013. - № 1. - 153 - 170.
- 13.Одилқориев Х. Фойибназаров Ш. Сиёсий маданият,-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -54-бет.
- 14.Одилқориев Х. Фойибназаров Ш. Сиёсий маданият,-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. - 42-бет.
- 15.Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши.-Т.: "O'ZBEKISTON" 2010. - 101-бет.
- 16.Тўйчиев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизация современного общества.- Т.: 1991. стр.-33-34.
- 17.Мухаммадиев У.Н.Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Дисс.сиё. фан. ном., Т.: ЎРПХСМТИ, 2002. -104-бет.